

1-26-2020

ACTUAL PROBLEMS OF THE UZBEK LINGUISTICS

Gani Nasrullaevich Zikrillaev
doctor of philological sciences, professor

Erkin Boltaevich Jumaev
teacher of german and french languages department at BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Zikrillaev, Gani Nasrullaevich and Jumaev, Erkin Boltaevich (2020) "ACTUAL PROBLEMS OF THE UZBEK LINGUISTICS," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 1 , Article 8.

DOI: 10.52297/2181-1466/2019/3/1/8

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss1/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК: 811.512.133

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ
АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОЗНАНИЯ
ACTUAL PROBLEMS OF THE UZBEK LINGUISTICS

Зикриллаев Гани Насруллаевич*филология фанлари доктори, профессор***Жумаев Эркин Болтаевич***БухДУ немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси***Zikrillaev Gani Nasrullaevich***doctor of philological sciences, professor***Jumaev Erkin Boltaevich***teacher of german and french languages department at BSU*

Таянч сўзлар: матн, микроматн, матн лингвистикаси, матн грамматикаси, рух, рухий фаолият, халқнинг рухий қуввати, микроматннинг когнитив-семантик хусусияти, пропозиция, макропропозиция, концепт, гештальт, микроматннинг психолингвистик хусусияти, лингвокультурология, прецедент бирлик.

Ключевые слова: текст, микротекст, лингвистика текста, грамматика текста, дух, духовная деятельность, духовная сила народа, когнитивно-семантические особенности микротекста, пропозиция, макропропозиция, концепт, гештальт, психолингвистические особенности микротекста, лингвокультурология, прецедентное единство.

Key words: text, microtext, text linguistics, text grammar, psychology, psychological activity, psychological energy of the nation, cognitive-semantic peculiarities of microtext, proposition, macroproposition, concept, gestalt, psycholinguistics peculiarities of microtext, linguoculturology, precedent unity.

Мақолада ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири бўлган матн лингвистикаси соҳасида эришилган ютуқлар қисқача шарҳланади. Айни пайтда шу сирага қиравчи матн грамматикасига эътибор берилмаётганлиги уқтирилиб айрим морфологик ва синтактик бирликнинг лисоний-нутқий хусусияти, сўз ва қўшимча, содда ва қўшма гап маънодошлиги, сўз ва сўз бирикмаси муносабати каби масалаларни тилнинг рухий-ижтимоий хилқат эканлиги нуқтаи назардан кенг кўламда ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

В статье рассмотрены актуальные проблемы узбекского языкознания. Вместе с тем утверждается, что проблеме грамматики текста не уделяется особого внимания, хотя она относится к числу таковых. Кроме того, авторы статьи считают целесообразным широкомасштабное исследование таких проблем, как: языковые и речевые особенности некоторых морфологических и синтаксических единств, синонимичность простых и сложных предложений, слов и аффиксов, отношения слов и словосочетаний с точки зрения языка как духовно-общественного явления.

The article deals with one of the most urgent problems in the field of Uzbek linguistics- the linguistics of the text. The achievements of Uzbek linguistics in this field are mentioned briefly. The authors consider that at present time the text grammar is not paid enough attention at; problems related to linguistic-communicative peculiarities of some morphologic and syntactic units, , synonymy of simple and complex sentences, relationship between words and word combinations are recommended to be studied from the sociolinguistic point of view.

Кириш. Маълумки, илм-фанда янги бир соҳа, йўналиш ёки оқим билан бирга кўплаб муаммо, турли-туман вазифа пайдо бўлади. 20 асрнинг иккинчи ярмида хорижий мамлакатларда когнитив-мазмуний тилшунослик, рухий тилшунослик (психолингвистика), ижтимоий тилшунослик (социолингвистика), прагматингвистика, маданий тилшунослик (лингвокультурология) каби соҳалар шаклланда ҳам шундай бўлди. Тилшунослик фанининг сарҳадлари кенгайиб унинг объекти, мақсад ва вазифаси маълум даражада ўзгарди.

TILSHUNOSLIK

Асосий қисм. 20 асрнинг биринчи ярми охирларида гапнинг лисоний-нутқий хусусияти билан бир қаторда *гапдан йирик бирлик* (рус. сверх фразовое единство, нем. Übersatzmä ÷iges Ganzes), *мураккаб синтактик бутунлик* (сложное синтаксическое целое), *гаплар ҳамкорлиги, бирлиги* (нем. Satzgemeinschaft) ҳам тадқиқ этила бошлайди. Бундай бирлик кейинчалик *матн* (рус. текст, нем. Text, инг. ва франц. discourse, discours) деб номланади. Бунинг сабаби шундай изоҳланади. Одатда алоҳида сўз билан эмас, гап ёки матн воситасида мулоқот қиламиз (H.Weinrich, 1966); тилдан фойдаланганимизда асосий бирлик воситасини гап эмас, матн бажаради (Halliday, 1970); нутқнинг тугалланган фикр ифодалайдиган асосий бирлиги гап эмас, матндир (Москальская, 1981). Шу нуқтаи назардан амалга оширилган кенг кўламли тадқиқотлар натижасида *матн лингвистикаси* ва *матн грамматикаси* деб номланган соҳалар шаклланди. Уларда тил ҳодисалари шахс (инсон) омили билан узвий боғлиқликда ўрганилади. Шу боис бундай ёндашув антропологик ёки антропоцентрик тадқиқ усули деб аталади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур ёндашув умумий ва назарий тилшунослик асосчиси В.фон Хумболтнинг *руҳ ва тил муносабати* ҳақидаги таълимоти билан узвий боғланган. Ушбу таълимот олимнинг *Инсоният тили қурилишининг ранг-барангелиги ва унинг башарият руҳий тараққиётига таъсири* деб номланган йирик асари [7;8]да баён қилинган. Унда тил 1) мазмун-моҳиятига кўра руҳий фаолият, халқнинг руҳий қуввати, 2) тузилишига кўра бутунлик, яхлитлик (система) ва 3) нутқий (коммуникатив) вазифаси жиҳатдан ижтимоий ҳодиса дея эътироф этилади. Улуғ олим ҳар бир тил (тил оиласи)нинг қурилиши, тузилиши (тартиботи, субути) халқнинг руҳий қуввати (Geisteskraft)га боғлиқ деб ҳисоблайди. Бунда тил халқ руҳий қувватининг ифода воситаси, унсурлари ўзаро узвий боғланган бутунлик ҳамда жамият аъзоларига ўзаро мулоқот қилиш, бир-бирини тушуниш имконини берадиган бебаҳо хилқат эканлиги назарда тутилади [қаранг: 2,5,38 – 47].

Ўзбек тилшунослигида гап энг йирик тил бирлиги сифатида 20-асрнинг охиригача кенг кўламда ўрганилди. 21 аср бошидан эса *матн лингвистикаси*га эътибор кучайди. Қисқа муддат ичида етакчи тилшунос олимлар (Ш. Сафаров, Н. Маҳмудов, А. Маматов, Н. Турниёзов ва б.) ҳамда уларнинг сафдошу шогирдлари томонидан ўнлаб тадқиқотлар яратилди. Натижада *матн лингвистикаси* алоҳида фан сифатида шаклланиб, жадал саръатлар билан одимламоқда. Ушбу соҳада таҳлилу тадқиқнинг серқирра, мураккаб, теран ҳамда эришилган ютуқларнинг салмоқдор эканлигини қисман бўлса-да кўрсатиш мақсадида монографиялардан бири[5]да кўтарилган муаммолардан айрими қисқача шарҳланди.

Авалло шуки, монографияда *мазмундан шакл тамойили*га асосланган. Тадқиқотнинг мазмун-мундарижаси, баён тарзи, унда қўлланилган атама ва тушунчалар шу билан белгиланади. Тилнинг барча соҳасини мужассам этувчи нутқий тузилма бўлганидан матн тадқиқида сўзловчи – матн – тингловчи (ёзувчи – матн – ўқувчи)дан иборат учлик асосий объект қилиб танланган. Шунга кўра асосий эътибор нутқий фаолият бажарувчиси, яъни нутқ тузувчи ва уни идрок этувчи тил эгасига қаратилади. Бошқача айтганда, ўзбек тилидаги матнларга хос энг муҳим антропоцентрик жиҳатлардан бири бўлган матн яратилиши ва унинг мазмуний идроки таҳлил доирасига тортилади. Шунга мувофиқ монографияда бадиий услубда яратилган насрий ва назмий микроматнларнинг 1) когнитив-семантик, 2) психолингвистик ва 3) лингвокультурологик хусусиятини тадқиқ этиш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Дастлаб **микроматннинг когнитив-семантик хусусияти** тадқиқ этилади. Аввало, когнитив нуқтаи назардан матнга таъриф берилади. Матн ментал тузилманинг тилга кўчирилиши бўлиб, бутундан қисмга қараб ҳаракатланувчи яхлит тузилманинг лисоний (вербал) кўринишидир. Шу муносабат билан матн талқинидаги марказий тушунчалардан бири бўлган *макропропозиция* таҳлили диққатни ўзига тортади [5, 39-46]. Макропропозиция деб ёзади тадқиқотчи матнда акс этган объектив мазмундир. Аниқроқ қилиб айтганда у матнни ташкил этган гаплар пропозициясидан келиб чиқадиган умумий пропозициядир. Бу таърифни тушуниш учун мисол ва унинг изоҳига мурожаат қилишга тўғри келади: *Қуёш булоқ сувига ҳам, мағзавага ҳам баравар нур сочаверади. Ер чучмомани ҳам, чақиртиканакни ҳам баравар ўстираверади. Ота-онага боланинг яхши-ёмони йўқ* (Ў. Ҳошимов). Матндаги ҳар қайси гапнинг ўз пропозицияси бор: 1. Қуёшнинг булоқ суви ва мағзавага

TILSHUNOSLIK

баравар нур сочиши; 2. Ерда чучмома ва чақиртиканакнинг баравар ўсиши; 3. Ота-онага фарзанднинг яхши-ёмони йўқлиги. Матнга хос умумий пропозицияни аниқлаш учун аввало кўёш, ер – ота-она, булоқ суви ва чучмома яхши бўлиш, мағзава ва чақирти-канак ёмон бўлиш хусусияти эканлигини англаб етиш лозим. Ана шу қиёсий таҳлилдан кейингина макропропозиция охирига гапда ифодаланганлиги аён бўлади. Бундай ҳолда макропропозиция *тушириб қолдириш қоидаси* (нем. Abstrich-methode)га асосан аниқланган бўлади.

Макропропозиция микроматнда бевосита ифодаланмаганда уни аниқлаш анча мураккаблашади. Бундай ҳолда у мантиқий-когнитив тузилмалари ёрдамида тикланади. Бинобарин, микроматн мазмунининг тўлиқ англашилишида ўқувчининг когнитив фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, микроматн макропропозицияси *умумлаштириш қоидасига* асосан тикланади. Мисол тариқасида берилган микроматн А. Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикоясидан олинган. Унинг макропропозицияси Абдулғанибой Сотиболдига ёрдам беришни истамади ифодасидан иборат деб кўрсатилади [5,43].

Метафорик мазмунли матнларда макропропозицияни аниқлаш янада мураккаб. Бунинг боиси шуки, бундай матн мазмун жиҳатдан икки қатламли, яъни синтактик шакл орқали ифодаланган мазмун ва муаллиф назарда тутган мазмун: *Оқ тоғларни изладим, / Қора тоғлар дуч келди. / Қора тоғлар кучоғини кездим, ёронлар, / Оқ тоғларга кетгунча* (А.Суюн). Микроматнда биринчи қатламга мансуб мазмун *оқ* ва *қора тоғлар* воситасида ифодаланган. Муаллиф назарда тутган мазмун (асосий фикр) ифодаси эса *яхши* ва *ёмон одамлардир*. Матн макропропозицияси мана шу ифода воситалари (референтлар) қиёси асосида тикланади. Шуни таъкидлаш жоизки, шеър ўқувчининг когнитив қобилияти, *оқ* ва *қора* тушунча(концепт)даги захира билим матнда яширинган энергия, В. Ҳумболт таъбири билан айтганда руҳий қувватни ишга туширади. Натижада лирик қаҳра-моннинг *яхши инсонларни топгунча ёмон кимсалар орасида бўлишга мажбур бўлганлиги* ҳақидаги ахборот ушбу микроматннинг макропропозицияси эканлиги маълум бўлади.

Анъанавий тилшуносликка хос бўлмаган бундай мураккаб ва янгича таҳлил макропропозиция матн муаллифи мақсадини аниқлаш, матн талқинини ўрганиш ва ўқувчи томонидан матн мазмунининг идрок этилиши каби масалаларни ёритишда катта аҳамиятга эга деб хулоса чиқаришга асос бўлади.

Микроматн макропропозицияси билан узвий боғланганлигидан монографияда *концепт* ифодасига ҳам эътибор берилган. Тадқиқотчининг фикрича, концепт ментал тузилма. Шу билан бирга ўзида руҳий, когнитив-мазмуний ва лисоний-маданий жиҳатларни намоён этувчи тузилмадир [5, 14]. Бадийий концепт эса индивидуал-муаллифий, психик, миллий ва адабий анъаналар ҳосиласидир. Насрий асарларда лингвокультурологияда асосий концепт ҳисобланган *ҳаёт, ўлим, она, ватан, муҳаббат, яхшилик, адолат, асл* каби тушунчалар ифодаси кўп учрайди. Жумладан, *аёл* концепти ифодаланган микроматнлар тасвирий хусусиятга эга. Уларда *аёл* шахсиятига хос меҳрибонлик, маккорлик, сирлилик, оналик сифатлари акс этади [5, 50]: *Аёл меҳри – асалдек тотли. Аёл макри – захардек хавфли* (Ў. Ҳошимов). *Аёл шундай жумбоқлар китобики, ҳали ҳеч ким уни охиригача ўқий олган эмас* (Ў. Ҳошимов). *Аёл кишига аввало она деб қарасак, ҳаммаси жой-жойига тушади* (Ў. Ҳошимов).

Монографияда асли психологик атама бўлиб, концептнинг лисоний воқеланишини таъминлайдиган *гешталт* ҳам алоҳида таҳлил қилинади. Бу ҳодиса маълум маънода фалсафий категория бўлган бутун ва бўлак муносабатининг тилдаги ифодасидир [4, 59-60]. Лингвистик гешталт асосан шахснинг ички ёки ташқи қиёфасини тасвирлаш, табиат манзараси ёхуд бирор нарсанинг ташқи кўринишини ўқувчи тасавурида жонлантириш мақсадида яратилган матнларда намоён бўлади. У кўпинча метафора билан узвийлик ҳосил қилади. Бунда лингвистик гешталт усули мавҳум (психологик нуқтаи назардан муайян шаклга эга бўлмаган) тушунчаларни концептуаллаштириш мақсадида қўлланади. Жумладан, куйидаги микроматнда шундай [5, 60-61]: *Шеърят гўзал ва ихчам кошонага ўхшайди. Кошонани ич-ичидан ёритиб турган нур бўлади. Бу нурнинг номи туйғу деб аталади* (Ў. Ҳошимов).

Матн яратилишида амал қилувчи омиллардан бири *бирламчи образларнинг рамзий талқинидир*. Рамзий таҳлил реал воқелик парчасини ўхшатиш асосида номлаш бўлиб,

TILSHUNOSLIK

хусусан бадий матн референциясида муҳим ўрин тутди. Матн референцияси тил унсурларининг лисоний бўлмаган объект ва вазиятлар билан муносабатидан иборат. У асосан исм ва отли бирикмалар орқали ифодаланади. Бундай ҳолда муайян объект номи тўғридан тўғри айтилмай ўхшатиш, аниқроғи образли тафаккур асосида номланади. Олиманинг фикрича, бу каби матнларни метафорик мазмунли матн деб номлаш тўғри бўлади. Чунки уларда матн референцияси яширин ўхшатишга асосланган бўлади. Қуйидаги матнда *мевали дарахт, тўнка, ниҳол* референтлари муаллиф назарда тутган *истеъдодли одам, истеъдодсиз кимса, ёш истеъдод эгаси* референтларига қиёсланаётгани матн мазмунидан билиниб туради. Бундай тузилишдаги матнлардан кўзланган мақсад муаллиф ўзи тасвирлаётган референтларнинг белгисини ўхшатиш йўли билан янада аниқ тасвирлаш ва ўқувчи тасаввурида образли манзарани юзага келтиришдан иборатдир [5, 69]: *Мевали дарахт ўзига ишонгани учун ёнидан янги ниҳол ўсиб чиқса қувонади. Тўнка ўзига ишонмагани учун ниҳолга ғашлик қилади. Бироқ у хоҳлайдими йўқми, ниҳол ўсаверади!* (Ў. Ҳошимов)

Монографиянинг кейинги бобида **микроматннинг психолингвистик хусусияти** таҳлил тадқиқ қилинади. Психолингвистика деб ёзади тадқиқотчи, антропоцентрик йўналишнинг ядросини ташкил этади. Унинг вазифаларидан бири тил бирликлари ортида яширинган психологик омилларни матннинг лисоний хусусиятлари билан уйғунликда ўрганишдан иборатдир. Психолингвистик нуқтаи назардан матн индивиднинг нутқий тафаккури маҳсули, объектив борлиқни тил тизими воситасида акс эттириш қобилияти сифатида намоён бўлади. Бунда матннинг шакл ва мазмуни муайян коммуникатив вазият қатнашчиси – конкрет шахснинг руҳий хусусиятлари асосида аниқланади. Бу хусусиятлар айниқса, бадий матнда яққол намоён бўлади. Матннинг бу тури инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, қулдириш, хиёнат оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурни шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишни ўргатиш каби кўплаб имкониятни ўзида мужассам қилган бўлади.

Авалло, турли-туман ҳиссиётнинг ифодаланишида қандай тил бирликлари актуаллашиши таҳлил этилади. Ҳиссиёт ифодаланган микроматнлар насрий асарда турлича усул воситасида юзага келтирилиши мисоллар билан кўрсатилади. Чунончи 1) асар персонажнинг кечинмалари унинг нутқидан англашилади; 2) персонажнинг руҳий ҳолати асар муаллифи нутқи воситасида берилади; 3) оҳанг инсоннинг аффектив ҳолатини тасвирлашда энг фаол бирлик сифатида намоён бўлади; 4) матнда руҳий ҳолатларни ифодалашда ассоциатив сўзлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бош мақсади инсон туйғуларини тасвирлаш бўлган шеърятда матн мазмунининг ўқувчи руҳиятига таъсири янада яққол намоён бўлади. Шеър ўқиганда турли кайфиятнинг пайдо бўлишига энг аввало унинг оҳанги ва ассоциатив сўзлар пайдо этувчи реакция сабаб бўлади. Ўқувчи шеърни ўқиш жараёнида унда ифодаланган мазмунни англаш баробарида шеър оҳанги ва ассоциатив сўзлар таъсирини ҳам ҳис қилиб боради [5, 78]. Мисоллардан бирини кўрайлик: *Ёмғирли кун эди. Атроф жим, соқит, / Маъюс кўзларингга боқардим сармаст. 5 / Секин шивирладинг, боқмагил йиғит. / Севгинг менга янгилик эмас... / Ёмғир ҳам тинмади ўша кун ҳеч, / У ҳам қуволмади кўздан хобингни. / Совуқ, рутубатли хонамга шу кеч / Олиб қайтдим изтиробингни...* (А.Орипов). Матнда қўлланган *ёмғирли кун, жим, соқин, секин, совуқ, рутубатли, изтироб* сўзлари ўқувчи шуурида ёмғирли, совуқ ва рутубатли ҳаво пайдо қиладиган маҳзун кайфиятни юзага келтиради. Шеърнинг матнда ифодаланган умидсизлик ўқувчи юрагига ҳам кириб боради.

Матн мазмунини тўлиқ идрок қилиш учун ўқувчи матннинг лисоний (вербал) тузилишида ифодаланмаган қўшимча маълумотларни тиклаши лозим. Бундай маълумотларни у ўз билим захирасидан излайди. Бошқача айтганда матнда тушириб қолдирилган *тушунчалар* ғайрилисоний усуллардан фойдаланиш орқали тўлдирилади. Бунга жумладан қаратқич-қаралмиш шаклида тузилган бирикмалар мисол бўлади. Бундай бирикмада икки мавжудот ёки ҳодиса ўзаро ўхшатишга бўлади. Масалан, *соғинчнинг рангин ипаклари* (О.Матжон) дейилганда соғинч ҳиссиёти рангин ипакларга ўхшатишга бўлади. Бу ўхшатиш матннинг ташқи тузилиши эмас, ички тузилишига хос. Уни ифодаловчи тил унсурлари тушириб қолдирилган. Иккинчидан бу каби бирикмалар ўқувчи тасаввурида образли манзараларни юзага келтиради: *Пушкин шеъри ҳали янгерарди*

TILSHUNOSLIK

*мағрур, / Лермонтов чарақлар назм осмонда. / Шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир / Бундай буюкларнинг қаҳқашонида (А.Орипов). Бу матнда шеърят осмонга ўхшатишган. Унда Лермонтов чарақлар (мантиқан Лермонтов юлдуз каби чарақлар), қаҳқашон сўзларининг қўлланиши ўқувчи тасаввурида чарақлаб турган юлдузлар тўла осмон манзарасини уйғотади. Бу осмоннинг назм осмони эканлиги эса ўқувчини мушоҳада қилишга, матнни фақат лисоний тафаккур эмас, образли тафаккур билан ҳам тушунишга ундайди [5, 87-88]. Тадқиқотчининг дақиқ кузатишларига кўра бадиий матнда муаллиф кўпинча ўқувчининг диркурсив қобилияти, яъни муайян нутқий тузилмада ифодаланган мазмунни яхлит ҳолда идрок эта олиш қобилиятига таяниб иш кўради. Шунинг учун дискурсадаги объектив мазмун, яъни макропропозицияни лисоний восита билан ифодаламайди. Бошқача айтган-да, тежамкорлик йўлини туттади. Бу эса матнни ўқиш жараёнида ўқувчининг фаоллигини талаб этади: *Аёл кишини ипидан игнасиғача биламан дейсизми? О-о-о, даҳо экансиз! Айтине-чи, шарқдан секундига беш-етти метр тезликда эсаётган шамол 10 дақиқадан кейин шимолга буриладими, жанубгами? Ярим соатдан кейин изғиринга айланадими, бўронгами?..* (Ў. Ҳошимов). Ушбу матнда муаллиф айтмоқчи бўлган асосий фикр (*аёл табиатини ҳеч қачон била олмайсиз*)ни матнни идрок этувчининг мантиқий фикрлашига ҳавола қилган. Матн шу шаклда ўқувчи учун нотўлиқдир. У ўқувчи томонидан матнга жуда тез эсаётган шамол қайси томонга бурилишини билиб бўлмагани каби аёл табиатини ҳам билиб бўлмайди пропозицияси қўшилгандан кейин (аниқроғи ёзувчи айнан шу пропозицияни назарда тутганини англаб етганидан кейин)гина мазмунан тугал ҳолатга келади.*

Ёзувчи матнга ўхшатишни асос қилиб олиши натижасида матн макропропозицияси тағмаънога тенглаштирилади. Бундай ҳолда ҳам ёзувчи айтмоқчи бўлган асосий фикрни ўқувчи “тиклаши” лозим. Натижада матннинг тўлдирилган иккинчи шакли, яъни матн проекцияси ҳосил бўлади:

Асл айнимас

Ит тумшугини суққани билан дарё ҳаром бўлиб қолмайди. Номард тош отгани билан тоғ қулаб тушмайди. (Ў. Ҳошимов)

Монографияда таъкидланганидай ўзида имплицитликни намоён этувчи бадиий матн, айниқса метафорик мазмунли матнни тушунишда ассоциатив тафаккур зарурий омил сифатида намоён бўлади. Негаки, бундай матнларда ифодаланган референция зоҳиран объектив воқелик ҳақидаги ҳукми ифодалаётгандек кўринса-да, матннинг ички тузилишида иккинчи, асосий ҳукми ифодаловчи референция ҳам мавжудлиги англашилиб туради: *Менинг кўп гулларим очилмай хазон бўлди, ҳазратим. Менинг бир қанотим Аҳмад танбалнинг оловида куйди-ю, иккинчи қанотимни Шайбонийхон куйдирди. Илоҳим энди сиз шу машъум оловларнинг орасида қолманг!* (П. Қодиров). Ушбу матндаги тўртала гап ҳам метафорик мазмунга эга. Ўқувчи уларда ифодаланган имплицит мазмунни тушуниш учун гапларнинг ташқи тузилишида ифодаланган вазиятни матн муаллифи назарда тутган вазият билан ассоциацияга киритган ҳолда англаб етиши лозим бўлади. Ўқувчининг метафорик мазмунни тушунишида ўзбек тилида мавжуд бўлган хазон бўлмоқ, куймоқ, ёнмоқ (ушбу матнда оловлар орасида қолмоқ) ифодали анъанавий метафоралар ҳам муайян аҳамият касб этади [5, 98].

Монографиянинг сўнгги боби **матннинг лисоний-маданий** (лингвокультурологик) **хусусияти** тадқиқига бағишланган. Лингвокультурология 20-асрнинг сўнгги чорагида шаклланиб, 21-асрнинг бошидаёқ жаҳон тилшунослигининг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Ўзбек тилшунослигида ҳам бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди [Салиева, 2010; Ибрагимова, 2012].

Лингвокультурология инсоний (аниқроғи шахс) ва маданий омилни узвийликда тадқиқ этувчи фандир [5, 35]. Бу фаннинг матн билан боғлиқ жиҳати шундан иборатки, матн ҳам бошқа тил бирликлари қатори бу соҳанинг тадқиқ объекти ҳисобланади [5, 38]. Бу жиҳатдан матн муайян халқнинг маданий қадриятлари, миллий-ментал фикрлаш тарзини намоён этувчи бирликдир. Ушбу хусусият ўхшатиш, метафора, мақол, турғун бирикма (ибора) ва нутқий этикет асосида яратилган матнларга хос. Бундай матнлар ўз мазмуний тузилишида имплицитликни намоён этади. Имплицитлик матн референти сифатида воқеланган ифодалар, шунингдек матн макропропозицияси орқали юзага келади [5, 132].

TILSHUNOSLIK

Олиманинг кузатишларига кўра ўхшатиш ва унинг қисқарган шакли бўлган метафора матнда муҳим когнитив-мазмуний аҳамият касб этиши билан бирга тил эгаларининг миллий-маданий тафаккурига хос жиҳатларни ҳам намоён этувчи ҳодисадир [5, 38]. Насрий асарларда ассоциатив тафаккурга асосланган матн-метафора кўп учрайди. Бунда матннинг ички мазмуни орқали бошқа бир мазмунга ишора қилинади. Жумладан, қуйидаги матнда шундай [5, 123]:

Товуқ

Жўжаси чийиллаб безор қилмаслиги учун тухумини инкубаторга топширди. Энди бошқа хўроз билан дон олиши-и-и-б юрипти... (Ў. Ҳошимов)

Метафорага асосланган матнда матн субъектининг метафорик маънода қабул қилиниши макропропозициянинг ҳам ўқувчи онгида метафорик хусусият касб этишига олиб келади [5, 124]: *Аравани ҳайдайдиган одам унинг устида ўтирса ҳам “аравакаш”, яъни аравани тортиб борувчи ҳисобланадур. Кечаю кундуз шу минг ғилдиракли аравани ўзингиз тортиб бораётгандек меҳнат қилмасангиз муродга етолмагайсиз. Ҳамма ишда танаффус бўлмоғи мумкин, аммо бу ҳокимият араваси кечаю кундуз тинимсиз юргай* (П. Қодиров). Ушбу микроматн – ҳокимият минг ғилдиракли арава тарзидаги концептуал метафорага асосланган бўлиб, унинг субъекти *ҳокимият* сўзидир. Бу сўзнинг кўчим асосида ифодаланиши микроматнда ифодаланган ҳукм ҳам метафорик мазмунда қабул қилинишига асос бўлади.

Бадий асарларда кўп учрайдиган жонлантириш ва тасаввур асосидаги матнлар ўхшатиш амалининг маҳсули сифатида намоён бўлади дейилади. Баён қилинган назарий фикрлар далили сифатида бир неча микроматн таҳлил қилиниб, амалий аҳамиятга молик хулосалар чиқарилади [5, 126-134].

Монографияда прецедентлик ҳодисаси ҳам эътибордан четда қолмаган [5, 98-106]. Негаки, таркибда прецедент бирлик, яъни бошқа матнга дахлдор унсурлар мавжуд бўлган бадий матнлар ҳам лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объектларидан бири ҳисобланади. Бу атама Қуръон ва ҳадисдан¹, машҳур шеър, кўшиқ ва кинофильмлардан, латифа, эртак ва ривоятлардан олинган матн ҳамда номларга нисбатан қўлланади.

Прецедент номларнинг бадий матндаги муҳим психолингвистик хусусияти шундан иборатки, улар матн ўқувчиси онгида номатний маъно, яъни матнга доир, лекин унинг варбал тузилишига кирмаган қўшимча маълумот актуаллашувини тақозо этади. Ўқувчи бунда номатний маънонинг матн прагматик тузилишидаги аҳамиятини ҳам билиши муҳимдир [5, 105]. Миллий онг, миллий менталитет ва ўзбек лисоний онги билан боғлиқ ушбу бирликлар яна кўплаб тадқиқот объекти бўла олади дея якуний хулоса чиқарилади [5, 140]. Ушбу монографияда амалга оширилган серқирра, мураккаб ва теран таҳлил бадий адабиётни матн лингвистикаси нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ҳақиқатдан ҳам ўзбек тилшунослигидаги долзарб муаммолардан биридир, дея хулоса чиқаришга имкон беради. Яна бир муҳим хулоса шуки, ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти бўлмиш *тежамкорлик* [2, 65] насрий, айниқса назмий микроматнларнинг аксариятига хос.

Шуни эътироф этиш жоизки, хорижий мамлакатларда матн лингвистикаси билан бир қаторда *матн грамматикаси* бўйича ҳам кўплаб тадқиқот яратилган. Жумладан, Германияда ўнлаб тўпламу қўлланма нашр этилган. Россияда хорижий институт ва факультет талабаларига мўлжалланган немис тили грамматикаси дарслигида *матн* алоҳида боб қилиб киритилган [9]. Мазкур таълим йўналиши учун *Матн грамматикаси* номли қўлланма босилиб чиққан [6]. Унда 250 дан ортиқ адабиёт рўйхат қилиб берилган. Шулардан бир қисми бевосита матн грамматикасига оид. Бинобарин, матн грамматикаси тадқиқи ҳам долзарб муаммолар қаторига киради. Ўзбек тилшунослигида бу соҳа бўйича битта номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган, холос [Тўхсанов, 1987]. Шу билан бирга ўзбек тилшунослигида гапнинг лисоний-нутқий хусусиятини атрофлича ўрганилган, дея олмаймиз. Бунинг сабабларидан бири шуки, адабий тил Англия, Францияда 16-17, Россияда 18-аср охири, 19-асрнинг биринчи ярмида, Германияда 19-асрнинг иккинчи ярмида шаклланган [Гухман, 1970]. Ҳозирги ўзбек адабий тили эса 20-асрнинг

¹ Функционал тилшунослиқда адабий тилда маданий ҳаёт ва тамаддун (илмий, фалсафий ва диний тафаккур, сиёсий ва социал, адлиявий ва маъмурий фаолият) ҳамда унинг натижаси акс этади дейилади. Шуни инобатга олиб *маданий-тамаддуний матн* ёки *маданий-тамаддуний ном* атамасини қўллаш тўғри бўлса керак.

TILSHUNOSLIK

биринчи ярмида мустамлакачилик тузуми даврида шаклланган. Мустамлакачилик Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда маломатли мараз; у фақат мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ғорат қилмайди, ундан ҳам ёмонроғи одамларни, халқни руҳан ғорат қилади. Шу сабабли мустамлакачилик даврида белгиланган айрим меъёр ва қоида ўзбек адабий тилининг ўзига хос хусусиятига мос келмайди. Жумладан, энг кичик содда гап, бошқача айтганда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи [1,8] рус тилидаги каби ҳали ҳам икки қурилиш, яъни эга ва кесимдан иборат бўлиб, эга мутлақ ҳоким бўлак деган қоида дарслик ва қўлланмалар орқали истиқлол фарзандлари шуурига сингдирилмоқда. Отнинг *-лар* олмаган шакли фақат бирликни билдиради, деган қоида ҳам шу сирага киради. Ўзлаштира-маликнинг морфологик восита билан ифодаланиши эътибордан четда қолмоқда. Ҳолбуки, унинг учта тури (ўзлаштира хабар, ўзлаштира буйруқ ва ўзлаштира сўроқ), ўндан ортиқ шакли мавжуд. Айни вақтда содда ва қўшма гап маънодошлиги ҳам ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Проф. Н. Маҳмудов шундай деб ёзади: Сўзловчи (ёки тил эгаси)нинг нутқий мақсади ҳаммиша ҳам бир ҳодисанинг бошқаси билан боғлиқлигини таъкидлашга қаратилмавермайди. Мазкур боғлиқликни таъкидлаш зарурияти туғилса, сўзловчи энг аввало қўшма гапга мурожаат қилади [3, 220]. Бинобарин, бунда ортиқчалик (рус. Избыточность, нем. Übercharakterisierung) тамойили амал қилади. Содда гапга эса тежамкорлик хос [3, 232]. Бошқача айтганда қўшма гап ҳиссий баёнда, содда гап ноҳиссий баёнда ишлатилади. Бундан уларнинг маънодошлигини тадқиқ этиш долзарб эканлиги англа-шилади. Бундан ташқари сўз ва қўшимча маънодошлиги (*агар* ва *-са*, *гарчи* ва *-са ҳам*, *эўё* ва *-дек*, *-дай* каби), сўз ва сўз бирикмаси муносабати ҳам (*китоб-(у)м* ва менинг *китоб-(у)м* каби) шу сирага киради ва ҳоказо.

Хулоса. *Матн лингвистикаси* ўзбек тилшунослигида кенг қўламда жадал суръатлар билан тадқиқ қилинмоқда. Аммо долзарб муаммолардан бири бўлган *матн грамматикаси* тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмоқда. Бундан ташқари ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти (*тежамкорлик*) билан боғлиқ айрим масала ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. **Abuzalova M.** Substantial morphology, valence, and syntactic device. FFD (DSc) abstracts. - Samarkand, 2018. - 74 p.
2. **Zikrillaev G'.** Spirit and language. - Т.: Fan, 2018. - 464 p.
3. **Nurmonov A., Mahmudov N., Akhmedov A., Solikhojaeva S.** Semantic syntax of the Uzbek language. - Т.: Fan, 1992. - 296 p.
4. **Safarov Sh.** Cognitive linguistics. - Jizzax: Sangzor, 2006. - 150 p.
5. **Khudoyberganova D.** Anthropocentric study of the text. - Т.: Fan, 2013. - 153 p.
6. **Moskalskaya O.I.** Grammar in the text. - Moscow: Vysshaya Shkola, 1981. - 184 p.
7. **Wilhelm von Humboldt.** О различии строения чело́веческих языков и его влияния на духовное развитие чело́вечества // Избранные труды по языкознанию. - М.: Progress, 1984. - 400 p.
8. Über die Verschiedenheit des menschlichen Sprachbaues und ihren Einfluss auf die geistige Entwicklung des Menschengeschlechts // **Wilhelm von Humboldts** gesammelte Schriften. Band VII. – Berlin: B.Behr's Verlag, 1907. – 380 S.
9. **Schendels E.** Deutsche Grammatik. Morphologie. Syntax. Text. – Moskau: Visschaja shkola, 1979. – 400 S.

• Гап пропозицияси ҳақида қаранг: 3, 36-38; 2, 341-348.